



## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТАМАЛ ТОШИ ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА

Президент Шавкат Мирзиёев 29 декабрь куни Халқаро конгресс марказида “Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яқкаю ягона тўғри йўлидир!” мавзусидаги замонавий дарсликлар кўргазмаси билан танишди.



Тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир, деган эди Шавкат Мирзиёев. Шунинг учун бу соҳанинг барча босқичлари тубдан ислоҳ қилиниб, комплекс ривожлантирилмоқда. Мамлакатимизнинг Тараққиёт стратегиясида тўртинчи устувор йўналиш айнан таълим соҳасини, инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган. Бунга мутаносиб равишда 2023 йилга Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили, деб ном берилди.

Таълим сифатини ошириш, болаларни ўқишга қизиқтиришнинг муҳим омилли, биринчи навбатда, яхши дарслик. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 29 апрелдаги фармони билан тасдиқланган Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ўқитиш методикасини такомиллаштириш вазифалари белгиланган эди. Шунга мувофиқ, ўтган уч йил давомида дарсликларни янгилаш бўйича иш олиб борилди. Махсус ишчи гуруҳ томонидан

илгор хорижий методика асосида 1-4-синф китоблари янгидан тайёрланди.

Кўргазмада давлатимиз раҳбарига ушбу дарсликлар мазмуни ҳақида маълумот берилди. Улар XXI аср кишиси учун энг зарур бўлган “4К” кўникмаси бўйича ишлаб чиқилган (критик фикрлаш, креативлик, коллаборация, коммуникация). Яъни бу ўқувчиларда танқидий фикрлаш, ижодий ёндашув, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантиради.

Янги дарсликларни тайёрлашда PISA, PIRLS, TIMSS, EGMA, EGRA каби халқаро дастурлардаги намунавий вазифалар асос қилиб олинган. Дарслик билан бирга машгулот дафтарлари, ўқитувчилар учун методик қўлланмалар ҳам чоп этилган. Шунингдек, бу тизимга Estudy электрон таълим платформаси интеграция қилинган. Ундан дарс пайтида ҳам, бўш вақтда ҳам фойдаланиш мумкин.

Эътиборлиси, тақдим этилган дарсликларнинг бир қисми, хусусан, тасвирий санъат, ўзбек тили ва мусиқий

саводхонлик бўйича китоблар кенгайтирилган реаллик технологияларидан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилган. Бу ўқувчиларни фанга янада қўпроқ қизиқтириш ҳамда бугунги ўсмирлар ҳаётида муҳим бўлган гаджетларни фойдали воситага айлантириш мақсадида ишлаб чиқилган. Кенгайтирилган реаллик иловаси 1 марта юқлаб олинди ва офлайн режимида ишлайди.

Президент янги дарсликлар билан танишиб, уларнинг мазмуни юзасидан тавсиялар берди.

— Дунё педагоглари тажрибасидан фойдаланган яхши. Шу билан бирга, дарсликларда миллий гоё, аждодларимиз мероси ҳам бўлиши керак. Масалан, жадид боболаримиз таълим бўйича қанча ишлар қилган. Яқинда Элбек домлани ўқидим. “Қиз болани ўқитган давлат бутун жамиятни ўқитган бўлади”, деб ёзган экан. Бизнинг дарсликларимизда бундай гаплар йўқ-ку. Нима демоқчиман? Янги дарсликларни шундай мукамал

тайёрлаш керакки, кейинчалик бунга яна қайтмайлик. Бугунги таълим қирқ йилдан кейин биз ҳақимизда сўзлайди. — деди Шавкат Мирзиёев.

Дарсликларни амалда таъбиқ қилиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мазкур янги дарсликлар халқаро экспертизадан ўтказилиб, пойтахтимиздаги 134-мактабда синаб кўрилди. Бирламчи натижаларга кўра, улар асосида ўқитилган ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси 88 фоизни ташкил этди. Амалдаги дастур бўйича эса бу 67 фоиз, хопос. Кўргазмада мазкур дарслик синондан ўтказилган бошланғич синф дарси намойиш этилди. Бу мактабда инклюзив таълим тизими асосида алоҳида эҳтиёжи бор ўқувчилар ҳам барча болалар билан бирга сабоқ олмақда.

Давлатимиз раҳбари ўқитувчи ва болалар билан суҳбатлашди.

Президентимиз таълим кўргазмаси доирасида бир гуруҳ мактаб ўқитувчилари билан учрашди.

Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг илк кунларидаёқ юртимиздаги муаммолардан бири сифатида кадрлар масаласини кўрсатган эди. Сўнгги йилларда қайси соҳада ислохотлар, улкан лойиҳалар бўлмасин, албатта, унга мос мутахассислар тайёрлаш ҳам кун тартибига чиқади.

— Ҳамма саъй-ҳаракатларимиз тагида таълим бор. Қайси ҳудудга борсам, ёшлар билан, катта-катта корхоналардаги ишчилар билан суҳбатлашаман. Улардан “Сизни нима қийнайдми?” деб сўрасам, билим етишмаслигини айтади. Ривожланган давлатлар бугунги иқтисодиётга қандай эришган? Билим эвазига! Шунинг учун аввалбошдан таълимни яхшилашга ҳаракат қиляймиз. 2023 йилга Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили, деб ном бердик. Энди мактабларимизга мутлақо янги муҳит ва сифат кириб келиши керак, — деди Президент.

Маълумки, мамлакатимизда ижтимоий давлат қурилмоқда. Кейинги

йилларда юзлаб янги мактаблар қурилди, 500 минг ўқувчи учун қўшимча ўринлар яратилди, 7 мингдан ортиқ замонавий компьютер хоналари ташкил этилди.

Шароит билан бирга таълимнинг мазмунини, методологияни ўзгартириш чоралари кўрилмоқда. Биринчи босқичда бошланғич синф дарсликларини янгилашмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ишлар мактаб таълими бўйича умумий стратегиянинг бир қисми экани, сифат ва самарадорлик кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқлигини таъкидлади.

— Мен нима учун ўқитувчининг жамиятдаги обрўси ва мавқеини ошириш керак, деб кўп гапираман, — деди Шавкат Мирзиёев. — Чунки болаларимиз қалбнинг чинакам меъмор, муҳандиси ўқитувчилардир. Шунинг учун педагоглари моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш доимо эътиборимиз марказида бўлади. Уларни дардан бошқа ишларга жалб этиш — бу давлатга, келажакка хиёнат, деб баҳолашни керак. Ўқитувчига ҳурматсизлик — бу халқимизга, жамиятимизга ҳурматсизликдир.

Президент Конституция ва қонунларда ўқитувчининг мақоми, ҳуқуқ ва манфаатларини аниқ белгилаш зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

— Шундай жамият қуришимиз керакки, ўқитувчилик энг обрўли касб бўлиши лозим! Бу йўлда биз, аввало, ўз ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаган минг-миглаб устоз ва мураббийларга таяна-миз! Устозларни эъзозлаган жамият ҳеч қачон кам бўлмайди, ўз мақсадларига, албатта, етади. Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутманглар: халқимиз ўз келажagini сизларга ишониб топширган. Келажagini қандай бўлиши, аввало, сизларга боғлиқ. Бу йўлда Президент сизларни доимо қўллаб-қувватлайди, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Ёшлар таълим-тарбиясида ота-оналар масъулиятини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Мулоқотда ўқитувчилар педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, мактабларга хорижий тил эгаларини жалб қилиш, ёшларни касбга йўналтириш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари ўқитувчиларни кириб келаётган янги 2023 йил билан табриқлаб, шарафли ва масъулиятли фаолиятида куч-ғайрат тилади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
ЎЗА мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ  
ТУРКМАНИСТОН МИЛЛИЙ КЕНГАШИ  
ХАЛҚ МАСЛАҲАТИ РАИСИ БИЛАН  
ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси

Президенти Шавкат Мирзиёевнинг

Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати  
Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон  
орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовга самимий салом ва энг эзгу тиллақларини йўллади.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик, ишонч, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг 14-15 июль кунлари Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи ҳамда 20-21 октябрь кунлари Ўзбекистон Президентининг Туркменистонга расмий ташрифида, шунингдек, кўп томонлама ташкилотлар доирасидаги учрашуларда эришилган олий даражадаги келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Барча устувор йўналишлардаги ҳамкорлик анча фаоллашгани катта мамнуният

билан қайд этилди. Савдо ҳажми ошмоқда, sanoat, энергетикада кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда, самарали ҳудудлараро алоқалар ривожланмоқда, маданий-гуманитар алмашинув дастурлари рўёбга чиқарилмоқда.

Парламентлараро мулоқот, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасида янги даражага кўтарилгани таъкидланди.

Суҳбат якунида Ўзбекистон Президенти ва Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси яқинлашиб келаётган Янги йил билан бир-бирини самимий қўллаб, қардош халқларимизга фаровонлик, тинчлик-осойишталик ва раванқ тилақларини билдирдилар.

## БАЙРАМ ШУКУҲИ

МУРҒАК ҚАЛБЛАР  
МЕҲР ОҒУШИДАКЕЧА МАМЛАКАТИМИЗ  
БЎЙЛАБ “ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ”  
ТАДБИРЛАРИ БОШЛАНДИ

Ҳар қайси байрамнинг ўз ўрни, аҳамияти бор. Бироқ янги йилни кутиб олишнинг ўзгача завқи қалбларга барвақт кириб келиши, янги орзулар сари етаклаши билан бетакрор. Айниқса, болажонлар янги йил арафасида хайратларга чўмади, гўё қорбобо орқали энг яхши истақларига эришади.

▶ Давоми 2-бетда

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ

НАВҚИРОН АВЛОД —  
ЮРТИМИЗНИНГ  
БЕБАҲО БОЙЛИГИ

Кучли ҳуқуқий демократик давлатни, албатта, халқ бунёд этади. Халқнинг хоҳиш-истаги, дунёқараши, эҳтиёжининг юксалиши давлатнинг раванқ топишини ҳам жадаллаштиради. Бундай тараққиёт замирида навақирон авлоднинг билими, салоҳияти, интилувчанлиги, инновацион ғоялари, айтиш мумкинки, халқаро даражада фикрлаш қобилияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Президентимиз ўз Мурожаатномасида бунёдкор халқимиз, дуоғуй ота-оналаримиз билан бирга навақирон авлод мамлакатимизнинг энг бебаҳо бойлиги экани бежиз таъкидламади.

Давлатимиз раҳбарининг яна бир фикрига эътибор қаратинг: “Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак.

Агар шундай қилмасак, муаммоларни кўриб, кўрмасликка олмасак, замондан орқада қоламиз. Халқимиз, ёш авлодимиз биздан рози бўлмайди”. Зарур ислохот ва ўзгаришлар ҳақида тўхталар экан, Президентимизнинг келажак ва ёш авлод олдига чуқур масъулиятни ҳис этаётгани ҳам-мамизга ўрнак бўлиши керак.

▶ Давоми 3-бетда

## БАЙРАМ ШУКУҶИ

# МУРҒАК ҚАЛБЛАР МЕҲР ОҒУШИДА

## КЕЧА МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ “ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ” ТАДБИРЛАРИ БОШЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Юртимизда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қаровисиз қолган ва Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган ҳарбий хизматчиларнинг болалари, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари иштирокида ҳар йили Янги йил байрами олдидан “Президент арчаси” тадбири ўтказиб келинади.

Жорий йилда Халқ таълими вазирлиги томонидан 3-15 ёшдаги 9873 нафар ўғил-қизга 10,2 миллиард сўмлик “Президент совғаси” тайёрланиб, жойларга етказилди. Совға таркибига Ўзбекистон Президентининг болаларга йўллаган Янги йил байрами табриги, ширинликлар, расм дафтари, рангли қаламлар, совғалар солинадиган қоп, рюкзак, китоблар тўплами, термос, шахмат киритилган. Шунингдек, Меҳрибонлик уйлари, SOS болалар маҳаллалари ва оилавий болалар уйлари 12-18 ёшли тарбияланувчилари учун жорий йилда мазкур совғалар таркибига электрон китоблар ҳам киритилди.

Совғалар вилоят ҳокимликлари, сектор раҳбарлари ва халқ таълими бошқармалари томонидан республиканинг барча ҳудудларида ташкил қилинадиган “Президент арчаси” тадбирларида тарқатилмоқда.

Муайян сабабга кўра, байрам тадбирига кела олмаган болалар учун совғалар ҳокимлик, секторлар вакиллари, Миллий гвардия ва халқ таълими вакиллари томонидан уларнинг уйлари борган ҳолда, тантанали тарзда топширилади.

Худудларда бўлиб ўтадиган “Президент арчаси” тадбирлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар томонидан зарур эҳтиёт чоралари кўрилади.



Муножат МҶМИНОВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

## БУГУННИНГ ГАПИ

# ЎҚИТУВЧИ МАҚОМИ ЮКСАК БЎЛАДИ ЗЕРО, НАЖОТ ЙЎЛИ МАКТАБДА, ТАЪЛИМДА, БИЛИМДА!

Абдумалик АКРАМОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Мақтабга таълим ташкилотларига инвестиция қилинган бир доллар давлатга 15-20 йил ичида 8 доллар билвосита фойда келтириши тахмин қилинмоқда. Беш йил, боринг ана, ўн йил ўтар, сарфланган маблағ исиз кетмаганининг гувоҳи бўламиз. Жанубий Корея, Япония, Сингапур каби давлатлар таълим ва тарбияга сарфланган молия ўзини тўлиқ оқлашини бутун дунёга намоён қилди.

Шу боис, кейинги йилларда Ўзбекистонда таълим соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Мурожаатномасининг муҳим йўналишларидан бири ҳам таълим сиёсати ҳақида бўлди. Мақтабга таълим, ўрта махсус ва олий, умуман, таълим масалалари ҳар доимидек алоҳида эътиборда. Зеро, таълимга йўналтирилган сармоя келажакка йўналтирилган сармоя демакдир.

Ана шу жиҳатлардан келиб чиқиб, таълимга ажратилаётган маблағ ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Жумладан, 2021 йилда давлат дастурларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, хусусан, узлуқсиз таълим тизими ва фанни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш мақсадида давлат бюджетидан таълим соҳасига 2 триллион 197 миллиард сўм, фанга эса 168 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилган эди.

Бу кўрсаткич 2021 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйича 2,9 триллион сўмни, Халқ таълими вазирлиги буйича 22,1 триллион сўмни ташкил этган. 2021 йилда мақтабларни интернат тармоғига улаш учун 98 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 100 миллиард сўм ошиб, 198 миллиард сўмга етказилиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро таълим рейтингларидаги позицияси яхшиланяпти, тизимдаги ислохотлар халқаро экспертлар томонидан ижобий баҳоланмоқда. Жаҳон банкининг умумий ўрта таълимни баҳолаш натижаларига кўра, 174 мамлакат ичида 474 балл билан 57-ўринни эгаллаган мамлакатимизда таълим сифати такомиллашиб, тизимни баҳолаш ва баҳолашни бошқариш салоҳияти халқаро стандарт талаблари даражасида амалга оширилмоқда.

Таълим соҳасидаги ислохотлар мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг узвий ва ҳал қилувчи йўналишларидан биридир. Юртимизнинг эртанги ривожига йўлда қандай чукр уйланган дастурлар тузилмасин, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятлар яратилмасин, қандай кўп сармоя сафарбар этилмасин, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўйбга қарадиган куч юқори малакали мутахассислардир.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, юксак иқтисодий тараққиётга эришиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш каби пировард мақсадларга таълим соҳасини тубдан замонавий асосда қайта қурмасдан туриб эришиш бўлмайд.

Мамлакат учун таълим тизими қай ҳолатда экани ва келажакда қандай кадрлар тайёрланиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳозир таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатларнинг кўп қисми давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Юртимиз иқтисодиётининг тараққий этиши, шунга мос равишда аҳоли даромадлари ва таълим тизимининг ҳаётимиздаги ўрни ошиб бориши эвазига давр талабларига жавоб бера оладиган нодавлат таълим муассасалари сафи ҳам кенгаймоқда. Бу ўз навбатида, бевосита рақобатнинг кучайишига, билимли ёшлар, малакали кадрларни тайёрлаш, давлатнинг таълимга ажратаётган маблағлари тежаллишига хизмат қилади.

Ҳозирги кунда таълим соҳасининг долзарб масалаларидан бири нодавлат, хусусий таълим тизимини ривожлантиришдир. Фақат бюджет таъминоти асосида таълим тизимини ривожлантириш жуда мураккаб масала. Барча

ривожланган мамлакатлар таълим соҳаси ҳам таълимда давлат ва хусусий шериклик тизими ўзини оқлаб келаётганини кўрсатади.

Хусусий таълим тизимини ривожлантириш учун турли имтиёзлар, преференциялар берилмоқда. Бундай қулай шартлоллар яратилиши натижасида илм-фаннинг пойдевори ҳисобланган мақтабга таълим тизими кундан-кунга ривожлантирилади.

Сўнгги олти йилда болаларни мақтабга таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизга етиши катта натижа, албатта. Зеро, қамров оширилиши эвазига бугунги кунда 2 миллионга яқин бола боғчага борапти. Яқинда ЮНЕСКОнинг мақтабга таълим буйича Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро анжуманида ҳам бу ислохотлар юксак эътироф этилди.

Мурожаатномада келгуси беш йилда қамровни 80 фоизга етказиш учун 600 минг янги боғча ўрни кераклиги, шу боис, боғчалар сонини кўпайтириш, улардаги таълим ва тарбия сифатини тубдан яхшилаш буйича беш йиллик дастур қабул қилиниши таъкидланди. Боғча қамровини кенгайтириш буйича хусусий секторга қўшимча шартлоллар яратилади. Келгуси йили 70 та янги мақтаб қурилади, 460 та мақтаб кенгайтирилади. Хусусий инвестициялар иштирокида 100 та мақтаб қуриш лойиҳалари бошланади, келгуси беш йилда уларнинг сони мингтага етказилади.

Хусусий таълимни ривожлантириш, давлат ва нодавлат таълим муассасаларига бир хил имконият яратиш бериш буйича фикрларимизни жамлаган ҳолда, хусусий таълим ривожига давлатга, жамиятимизга, умуман, сизу бизга нималар бера олиши ҳақида баъзи хулосаларни айтишимиз жоиз.

Биринчидан, хусусий таълим ривожланса, таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳити пайдо бўлади. Рақобат эса соҳа ривожига, демаски, таълим сифати ошишига олиб келади.

Иккинчидан, бюджетга қоғлама қамаяди, давлат таълим муассасаларига кўпроқ маблағ ажратила бошлайди. Натижада давлат таълим муассасаларида умумий шартлол яхшиланади боради, ўқитувчилар оиланинги ошириш, синфда болалар сонини камайтириш каби имкониятлар юзага келади.



## ЯНГИ ТИЗИМ

Сўнгги йилларда амалиётга кенг жорий этилаётган кластер тизими қисқа фурсатда ўз самарасини бера бошлади. Хусусан, пахта саноатида бу йўналиш энг мақбул йўл экани аллақачон ўз исботини топди. Яқин-яқингача аграр тармоқда фақатгина хомашё етказиб бериш билан шугулланган Миришкор тумани бугун саноати ривожланган худудлардан бирига айланди. Сўнгги икки йилда туманда еттита йирик корхона ишга туширилди. Натижада худудда 2020-2022 йиллар давомида 511 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Туман саноатининг асосий драйверларидан бири — пахта-тўқимачилик йўналишида фаолият юритаётган корхоналар сони яна биттага кўпайди. Натижада мазкур тармоқда банд бўлганлар сафи минг нафардан ошди.

## 24 миллиард сўмлик лойиҳа

Яқинда Миришкор тумани “Миришкор” маҳалла фуқаролар йиғини худудидagi икки ярим гектар ер майдонида “Mirishkor textile group cluster” масъулияти чекланган жамияти томонидан “Samto” бренди остида матодан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди. Натижада 500 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Кейинчалик корхона фаолияти янада кенгайтирилиб, яна икки юзта иш ўрни яратиш мақсад қилинган.

Кластеримиз пахта-тўқимачиликка ихтисослаштирилган, — дейди “Mirishkor textile group cluster” масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Хуришд Юнусов. — Узимиз пахта етиштириб, қайта ишлаб, йиғириб, тайёр мато ҳолатига келтирамиз ва

корхонаимизнинг ўзида кийим-кечак ишлаб чиқарамиз. Айни дамда туманининг турли маҳаллаларидан хотин-қизларни ишга олдик. Ишга тақлиф этилганларнинг барчаси ҳам бирдек тикувчилик касбини мукамал эгалламаган. Шу боис, корхонамиз ҳузурда вақтинчалик касб ўргатиш учун ўқув курси ташкил этдик. Бу ерда улар қисқа муддатда малакага эга бўлга, ишга қабул қилинади. Ҳозир 500 турга яқин маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. Тайёрланаётган товарларимиз хорж бозорларига мўлжалланмоқда.

Босқичма-босқич корхона фаолиятини кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Бугун беш юзта иш ўрни мавжуд бўлса, тез орада яна икки юз кишини ишга қабул қиламиз. Келгуси йилда эса иш ҳажми ортиб, қўшимча уч юздан ортиқ хотин-қизнинг бандлиги таъминланади. Яъни 50 миллион доллар инвестиция киритиш эвазига келгусида туман марказида йирик ип-йиғирув фабрикаси қурилиб, фойдаланишга топширилади. Бир сўз билан айтганда, пахта қайта ишлаш буйича йирик саноат зонаси барпо этилади.

# САНОАТЛАШАЁТГАН ҲУДУД



## Бешта давлатга экспорт

Бир пайтлар туманда етиштирилган пахта фақатгина толага айлантирилиб, экспортга йўналтирилди. Бу эса қилинган меҳнатни ҳам, сарф-харажатни ҳам қопламасди. Арзон толадан кейинчалик қиммат нархда хоржидан ўз пахтаимиздан тикилган маҳсулот

сотиб олишга мажбур эдик. Бугун эса “Mirishkor textile group cluster” далаларида пахта етиштирилиб, тайёр маҳсулот сифатида экспортга чиқарилаётгани натижасида яхшигина даромад олинмоқда. Келгусида кластер Россия, Туркия, Хитой ҳамда Қозғистонга ҳам трикотаж маҳсулотлари экспорт қилади.

Кластер раҳбарлари баракат топсин, одамларга имконият яратиш бермоқда. Бу эса минглаб оилаларда турмуш тарзи яхшиланганидан далолат. Шунингдек, Миришкор тумани иқтисодиёти юқорилишига ҳам катта туртки бўлиши аниқ.

Туманимизда ўндан ортиқ турли миллат вакиллари яшайди. Бир юз йиғирма мингдан зейд аҳолимиз бор. Уларнинг элик фозини хотин-қизлар ташкил этади, — дейди Миришкор тумани ҳокими ўринбосари Замира Маманзарова. — Мана шу йилнинг ўзида учта йирик корхона ва фабрика ишга тушиши кувончи бўлди. Сабаби учаласида ҳам хотин-қизларимиз бандлиги таъминланди. Келгуси йилда эса янада кўпроқ иш ўринлари яратилиши борасида лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Оилада аёлнинг ҳам ўз иш ўрнига эга бўлиши рўзгорда фаровонликни таъминлайди. Шунингдек, турмуш ташвишлари камайиб, яхши яшашга замин яратилади.

Дарҳақиқат, бугун Миришкор тумани беш-олти йил олдингидан буткул ўзгаргани ҳар бир соҳада сезилмоқда. Бевосита ислохотлар сари дадил олинмаётган бу худудда Янги Ўзбекистоннинг Янги Миришкори қанг ростланмоқда.

Ақбар РАҲМОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ



“ Бугунги ёш авлоднинг қалбида ватанпарварлик туйғуси ниҳоятда кучли. Фақат уларни тўғри йўналтириш, қўллаб-қувватлаш лозим. Мисол учун, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ташкил этилган #ilimiz\_uchun лойиҳаси доирасидаги “WikiStipendiya” марафонини ёшлар қизғин қўллаб-қувватлади. Натижада интернетдаги Википедия электрон энциклопедиясидаги ўзбек тилидаги мақолалар сони 140 мингтадан 215 мингга етди. 365 тилли жаҳон рейтингда ўзбек тили 62-ўриндан 49-ўринга кўтарилди.

# НАВҚИРОН АВЛОД — ЮРТИМИЗНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ



**Алишер САЪДУЛЛАЕВ,**  
Ёшлар ишлари агентлиги  
директори, Олий Мажлис  
Сенати аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Мурожаатномада ёшлар таълим-тарбияси, касб-хунар эгаллаши, она тилимиз ва хорижий тилларни ўрганиши, ишсиз йигит-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида урғу берилди. Дарҳақиқат, ёшларнинг таълими, бандлиги билан боғлиқ муаммоларга ечим топиш, уларга зарур шарт-шароит яратиш глобал миқёсдаги масалаларга айланмоқда.

Халқро ҳамжамият ёшларнинг зарур билим ва кўникмаларга эга бўлиб, салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқаришига қўллаб-қувватлаш мақсадида ўзбекистонлик йигит-қизларнинг кўллаб-қувватлаш бўйича саъй-ҳаракатларни қўлайтириш зарурлигини таъкидлаб, Ўзбекистон ёшлари халқаро ассоциациясини тузиш таклифини илгари сурганди.

**Нажот — таълимда**

Анъанага мувофиқ, давлатимиз раҳбарининг парламентга ва халқимизга Мурожаатномаларида кўтарилган масалалар, белгиланган вазифалар ҳаётимизда ўз ижросини топмоқда. Мисол учун, 2017 йилги қўша мажлисда Президентимиз ёшлар масаласига алоҳида тўхташган эди. Жумладан, чет элда таълим олаётган, ишлаётган йигит-қизлар билан доимий мулоқот ўрнатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизга қайтиш истагида бўлганларни қўллаб-қувватлаш бўйича саъй-ҳаракатларни қўлайтириш зарурлигини таъкидлаб, Ўзбекистон ёшлари халқаро ассоциациясини тузиш таклифини илгари сурганди.

Шу йилнинг ўзидеёқ хорижий мамлакатларда ўқийётган ва меҳнат қилаётган ёш ватандошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси ташкил этилди. Мамлакатимиз делегацияси хорижда меҳнат қилаётган ўзбекистонлик ёшларнинг муаммоларини ўрганиш мақсадида махсус хизмат сафарларини уюштирди. Оғир меҳнат шартларидаги минглаб ёшларимизнинг муаммолари жойида ҳал этилди. Хориждаги ватандош йигит-қизларнинг уй-жойи, озиқ-овқати, саломатлиги, таълими, ойлик маоши ҳамда меҳнатини расмийлаштириш билан боғлиқ жараёнлар ўрганилиб, ушбу йўналишда ҳам ишлар тизимли йўлга қўйилди.

Бугунги кунда 30 дан ортиқ мамлакатда ассоциация вакиллари доимий фаолият юритмоқда. Дунё миқёсида салмоқли ютуқларга эришган ўзбекистонликлар фаолиятини ёшларга етказиш мақсадида “Ўзбекистонлик” лойиҳаси йўлга қўйилди. “SpaceX”, “Tesla” компанияларида ишлаётган ватандошларимиз ҳақида иккита фильм тасвирга олиниб, эфирга узатилди.

2018 йилги Мурожаатномада ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритиш, яъни бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг ўқув-тарбиясига сармоя йўналтиришга қатъий эътибор берилиши, бу маблаг жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтириши, бизда бу кўрсаткич атиги 4 баробар экани қайд этилган эди. Шунга мувофиқ, болаларни мактабга таълим билан қамраб олиш даражасини кескин ошириш вазифаси белгиланган.

Айни пайтда болаларни мактабга таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизга етиб, 2 миллионга яқин бола боғчага бормоқда. Бу йилги Мурожаатномада келгуси беш йилда қамровни 80 фоизга етказиш вазифаси қўйилмоқда. Боғчалар сонини кўпайтириш, улардаги таълим ва тарбия сифатини тубдан яхшилаш бўйича беш йиллик дастур қабул қилинади. Соҳада хусусий секторга қўшимча шароитлар яратилади.

Утган давр мобайнида 500 минг ўқувчи ўрни яратилиб, уларнинг жами сони 5 миллион 300 мингга етган. Яна 1 миллион 200 минг ўқувчи ўрни яратиш бўйича ишлар жадал давом эттирилмоқда. Хусусан, 2023 йилда 70 та янги мактаб қурилиши, 460 та мактаб кенгайтирилиши, хусусий инвестициялар иштирокида 100 та мактаб қурилиши бошланади. Таъкидланганидек, келгуси беш йилда улар сони минггага етказилади.

Умуман, таълимнинг барча бўғинларида сезиларли ўсиш кузатишмоқда. Сўнгги йилларда олий ўқув юртлири сони 2,5 баробар кўпайиб, 198 тага етгани, қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошгани бунинг яна бир далилидир.

Таълим жараёнида талаба-ёшлар дуч келаяётган муаммолар тизимли ҳал этиб бориляпти. Хусусан, 2022 йилда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган қарийб 43 минг талабага 475 миллиард 454 миллион сўм имтиёзли таълим кредити ажратилди. “Талабага мадад” лойиҳаси доирасида 45 минг талабанинг шартнома пули “Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳисобидан тўлаб берилди. Бу мақсад учун 141 миллиард 639 миллион сўм ажратилган.

Қизларнинг олий таълим олиши учун қаратилган эътибор тахсинга сазовор. Олий таълимда эҳтижманд оилавлар қизлари учун ажратилган грантлар икки баробар кўпайтирилиб, 2 минггага етказилди. 2022/2023 ўқув йилидан магистратурада тўлов-шартнома асосида ўқийётган хотин-қизларнинг контракт пулини давлат бюджетидан қўллаб бериш тартиби тасдиқланди. Унга қўра, давлат ОТМ, шу



жорий этишга бағишланган кўрғазма-тақдимот билан танишиб, соҳадаги ислохотлар ҳақида фикрларини билдирди.

Тақдимотга қўйилган янги дарсликлар XXI аср кишиси учун энг зарур бўлган “4К” кўникмаси (критик фикрлаш, креативлик, коллаборация, коммуникация) бўйича ишлаб чиқилган. Яъни ўқувчиларда танқидий фикрлаш, ижодий ёндашу, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Янги дарсликларни тайёрлашда PISA, PIRLS, TIMSS, EGMA, EGRA каби халқаро дастурлардаги намунавий вазифалар асос қилиб олинган. Эътиборлиси, дарслик билан бирга машғулот дафтарлари, ўқитувчилар учун методик қўлланмалар ҳам чоп этилган. Шунингдек, бу тизимга

қолган энг оғриқли масала — мактаб ўқувчилари ва мажбурий меҳнат ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Эсингизда бўлса, бундан 5-6 йил аввал ўқувчилар 5-6-синфдан пахтага чиқарди. Ёш-ёш қизларимиз 20-25 кило юнни ҳар кунни кўтаришга мажбур эди. Шу тўғрисида қанча касалликлар орттириб олди, баъзи ҳолатларда уни даволашга имконият ҳам бўлмади. Ваҳоланки, уларнинг қанчадан-қанча орзулари бор эди.

Қувонарлиси, ўқитувчилар ойлиги шу билан чегараланиб қолмаслиги, яна оширилиши қайд этилди. Шу билан бирга, устоз ва муаллимларнинг обрўсини янада кўтариб, ота-оналар масъулиятини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

**Ёшлар келажагини белгилайдиган омил**

Инсон касб-хунари орқасидан бахт топади, келажагини қуради. Шу маънода, касб-хунар эгаллаш ёшлар учун энг асосий масалалардан. Жорий йилнинг ўзига “Ёшлар дафтари” кўмағида 38 минг 136 нафар ишсиз ёшга меҳнат қуролини ва ускуналар олиб берилгани, 8 минг 899 нафар ёш ҳайдовчилик касбига, 5 минг 631 йигит-қиз “Келажак касблари” лойиҳаси доирасида замонавий касб-хунарларга ўқитилганини, 3 мингдан зиёд укасингиларимиз устоз-шогирд анъанаси асосида уста-хунарамандларга брикитирганини таъкидлаш ўринали. Шунингдек, “Ёшлар — келажакимиз” давлат дастури доирасида e-kasb.uz платформаси ташкил этилиб, 10 мингдан зиёд йигит-

**Миллий ўзлгимиз тимсоли**

Мактаб таълимини халқаро ўқитиш дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилиш, деганда фақат таълим эмас, тарбия соҳаси ҳам назарда тутилмоқда. Хусусан, ўқувчиларда эркин ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантиришга эътибор қаратилади.

“ Давлатимиз раҳбари “Миллий ўзлгимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор янада кучайтирилади”, деб таъкидлади. Дарҳақиқат, миллий ўзлгини англаш она тилини пухта эгаллашдан бошланади. Шу боис, мактабдан болаларимиз она тили ва чет тилларни пухта ўзлаштириб, компьютерда ишлашни ўрганиб чиқиши зарур.

Бугунги ёш авлоднинг қалбида ватанпарварлик туйғуси ниҳоятда кучли. Фақат уларни тўғри йўналтириш, қўллаб-қувватлаш лозим. Мисол учун, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ташкил этилган #ilimiz\_uchun лойиҳаси доираси-



қиз замонавий касб-хунарларга масофа-вий ўқитилди. Бу ҳам бизнинг ютуғимиз. Аммо шунинг ўзи билан барча ёшларни касб-хунарли, ишли қилиб бўлмайди.

Чунки мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмадан кириб келмоқда. Шу боис, Мурожаатномада улар бандлигини таъминлаш учун юртимиздаги 700 дан ортиқ касб-хунар мактаби, коллеж ва техникум имкониятидан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

даги “WikiStipendiya” марафонини ёшлар қизғин қўллаб-қувватлади. Натижада интернетдаги Википедия электрон энциклопедиясидаги ўзбек тилидаги мақолалар сони 140 мингтадан 215 мингга етди. 365 тилли жаҳон рейтингда ўзбек тили 62-ўриндан 49-ўринга кўтарилди. Шунингдек, ўзбек тилидаги овозли матнлар базасини яратиш ва замонавий технологияларга интеграция қилиш мақсадида йўлга қўйилган “Uzbek voice” лойиҳаси кенг ёшлар оммаси томонидан

эътироф этилди. Келгусида ҳам ёшларнинг она тилимизга ҳурматини оширишга доир самарали лойиҳаларни йўлга қўйиш зарур.

Ёшлар маънавияти ҳақида сўз кетганда, китобхонлик ва ёш авлоднинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш масаласи биринчи ўринда туради. Мурожаатномада таъкидланганидек, энди ҳар бир маҳалла ўз кутубхонаси, спорт майдончасига эга бўлади. Бугунги кунда барча маҳаллаларда фаолият юритаётган ёшлар етакчилари ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва спорт билан шуғулланишини таъминлашга бевосита масъул этиб белгиланганини ҳисобга олсак, ушбу ташаббуснинг ҳаётга татбиқ этилиши етакчилар иш самарадорлигини ошириши шубҳасиз. Энг муҳими, китобхонлар сафини кенгайтириш, маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун имконият ошади.

Биз қадимий ва бой тарихимизни, айниқса, гоёг оғир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садоқат гоёларини дадил кўтариб чиққан жадид болаларимиз фаолиятини янада чўқур ўрганишимиз лозим. Уларнинг улғу мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиги Янги Ўзбекистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. Бу борда дастлабки хайрли ишларни бошладик. Ёшлар ишлари агентлиги ташаббуси билан маърифатпарвар жадид болаларимизнинг ибратли ҳаётини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш учун “Жадиждар” тўплами тайёрланди. У ўзбек жадидчилигининг 8 нафар йирик вакили — Ғуллом Зафарий, Абдулхамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ҳаёти, асарлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган. Ўзбек зиёлиларининг фаолиятини, тарих зарварларини бирлаштирган “Жадиждар” китоблар тўплами 184 минг нусхада чоп этилиб, барча таълим муассасалари ва маҳаллаларга етказилди.

**“Ижтимоий давлат” — инсонпарварлик гоёси**

Бу йилги Мурожаатномадаги энг эътиборга молик жиҳат, шубҳасиз, “ижтимоий давлат”, яъни “Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат” гоёсидир. 2023 йилга юртимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”, деб ном бериш таклиф этилгани ҳам шу гоёнинг мантиқий давомидир.

Ижтимоий давлат, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имконият, одамлар муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароит яратиш, демакдир.

Келгуси йилдан тўман ва шаҳарлар мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, 5 тоифага ажратилган, худуд тоифасига қўра, тадбиркорларнинг солиқ юктамалари, кредит фоиз ставкалари камайтирилиши, инфратузилма ҳаражатлари давлат томонидан қўллаб берилиши ўткир ижтимоий муаммоларни тизимли ҳал этишнинг самарали ечимидир.

Мисол учун, бешинчи тоифага кирувчи, шароити энг оғир бўлган 20 та туман учун айланмадан олинган солиқ, фойда солиғи, ижтимоий солиқ ставкалари 1 фоиз миқдорда этиб белгиланади. Бу туманлардаги тадбиркорлар ер ва мол-мулк солиғи бўйича ҳисобланган сумманинг атиги 1 фоизини тўлайди. Яқка тадбиркорлар қатъий ставкадаги солиқларни тўлашдан озод этилади. Бу мамлакатимизда фаолият юритаётган қарийб 240 мингга яқин ёш тадбиркор учун ҳам қўшимча имкониятлар яратилди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қилнаётган ишлар эътиборга лойиқ. Жумладан, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида алоҳида дастур қабул қилиниб, 3 минг 460 та ёш оилага “Ёшлар уйлари” учун 156 миллиард сўмлик бошланғич бадал 20 йил давомида фоизсиз қайтариш шarti билан тўлаб берилди.

Бундай хайрли анъана яна давом этади. Мурожаатномада қайд этилганидек, келгуси йилда Тошкент вилоятида “Менинг биринчи уйим” янги ипотека дастури бошланади. Дастур доирасида, биринчи навбатда, турар жойга эҳтиёжи бор ҳамда ёш оилалар учун энг қўлай шартлар асосида уй-жойлар барпо этилади.

Кейинги йилларда халқ билан мулоқот қилиш, одамларни қийнаётган муаммоларни вертикал тартибда ҳал этиш, керак бўлса, ҳар бир хонадонга кириб бориб, аҳолини, хусусан, ёшларни қийнаётган муаммоларга тизимли ечим топиш бўйича улкан тажриба тўпладик. Қуйи тизимдаги муаммоларни ҳал этиш, оддий одамларнинг орзусини бугун амалга ошириш бундан кейин ҳам бош мақсадимиз, биринчи даражали вазифамиз бўлади.

Албатта, бу каби улкан марраларни забт этиш осон кечмайди. Шу боис, Президентимиз бир ёки икки йиллик эмас, камидан уч-беш йиллик ислохотлар режасини санаб ўтди. Уларнинг тағамири таҳлил этиб кўрилса, бундан олти йил аввал бошланган янгиликларнинг мантиқий давоми эканига амин бўламиз. Бу мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-мафкуравий ислохотлар пухта ўйланган режа асосида кечяётганини кўрсатади. Демак, кеча бошланган ишларимизни бугун янги босқичга олиб чиқиб, келгусидаги ислохотларга замин яратилмоқда.

ИСЛОХОТЛАР АМАЛДА

СЎХЛИКЛАР ҲАЁТИДАГИ ЎЗИГА ХОС ЯНГИЛАНИШЛАР

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Олой тоғининг Қатрантоғ, Обшир, Лазар тизмалари ёнбағиридаги мафтункор булоқлар, жўшқин сой-дарёлар, кўкка бўйлашган дов-дарактлар кўҳна Сўхнинг ташриф қоғози. Одамларнинг феъли ҳам кенг ва самимий, меҳмондўст.

Президентимизнинг 2020 йил 8 августдаги "2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори сўхликлар ҳаёт тарзига ўзига хос ўзгаришлар олиб кирди. Қадим гўшанинг бугунги кўринишини бундан уч-тўрт йил аввалги ҳолат билан қиёслаб бўлмайди. Янги уйлар, равон йўллар, сув, газ, электр таъминоти яхшиллаш, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш, тадбиркорлик ва ҳунармандликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қисқа фурсатда йилларга татигулик ишлар қилинди.



Шерафот Қорабоева ошган Сурапалар.

Бундан икки йил олдин аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш даражаси бор-йўғи 20 фоизни ташкил этарди, ҳоло. Бугун бу кўрсаткич 90 фоиздан ошди. Жорий йилнинг ўзида "Истиклоп", "Қалъача", "Сўх", "Навобод", "Газнов", "Тул", "Соҳибкор" маҳалла фуқаролар йиғинлари ва Малбўд массиви аҳолиси учун умумий узунлиги 25,8 километр бўлган янги тармоқлар тортилди. 21 километрдан ортиқ ички йўл шағаллаштирилди, 9,1 километр асфальт ва 6,7 километр бетон йўл қурилиб, фойдаланишга топширилди. Электр таъминоти яхшилаш мақсадида 400 га яқин таянч устун алмаштирилди, 42 километр янги электр тармоғи тортилди. Талаб ва тақлифлар асосида қўшимча трансформаторлар қўйилди, мавжудлари таъмирланди.

долларидан ортиқ саноат, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди. Худудий инвестиция дастури доирасида қиймати 152 миллиард 560 миллион сўмлик 48 лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Тўққиз ой яқунларига кўра, 38 лойиҳа ишга туширилиб, 300 дан ортиқ янги иш ўрни очилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги ташаббусларни ҳаётга жорий этишга молиявий кўмак берилмоқда. Туманда 7,1 гектар ер майдонида эга 4 та кичик саноат зонаси ташкил этилди. Ҳозирга қадар маъмурий кенгашнинг тегишли қарорлари билан қиймати 11,1 миллиард сўмлик 17 та лойиҳани ишга туширишга ҳаракат қилинмоқда.

Ҳазрат Али номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги уч гектар майдонни эгаллаган ёшлар кичик саноат зонасида иш олиб бораётган "Гузари Омади Лазина" МЧЖ катта мақсадларни кўзлаган. Уч миллиард сўмдан ортиқ инвестиция ҳисобига боғдорчиликни ривожлантириш, томчилатиб сугоришни йўлга қўйиш, иссиқхона, чорвачилик, меҳмонхона, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари фаолияти йўлга қўйилди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида берилган имтиёз ва имкониятлар янги ташаббусларга ундамоқда, — дейди жамият раҳбари Муҳаммаднор Нурматов. — Малбўд ҳудудида фойдаланилмаётган 3 гектар майдонни ўзлаштириб, интенсив боғ яратдик. Сўх дарёсидан 1,5 километр сув тармоғи тортиб келинди. Бу ерда нок ва олма каби сархил мевалар етиштирилмоқда. Яқинда логистика маркази ва музлаткичи омборхона ташкил этдик.

ташкил этишга старт берилди. Бунинг учун хориздан 153 минг тўлдан зиёд сархил кўчат келтирилди. Яқин кўнларда яна 200 гектардан зиёд ер ўзлаштирилиб, анорзорга айлантирилди.

— Биринчи босқичда 230 гектардан ортиқ ерда Жаҳон банки маблағлари ҳисобига анорзор ташкил этишга киришилди, — дейди туман қишлоқ ҳўжалиги бўлими бошлиғи Муслимбек Мавлонбеков. — Лойиҳа доирасида "Нуран Ўз" корхонаси томонидан Туркиядан сархил анор кўчатлари олиб келиш, кўчатлар оралиғида шафран доривор ўсимлиги етиштириш мақсад қилинган. Анорзорларни 50 сотихдан лотларга ажратиш, ижтимоий дафтарларга киритилган 460 кишига бўлиб бериш чоралари қўрилмоқда.

Жавпая массиви учун Сўх дарёсидан сув олиб борилди. Икки километрдан ортиқ электр тармоғи тортилди. Жойларда махсус ҳовузлар қазилиб, экин

"Газнов" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳўким ёрдамчиси Алишер Зўфаров. — Айни кўнда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"да бўлган эллик нафарга яқин фуқаро ва эҳтиёжманд бошқа оилаларга янги ўзлаштирилаётган ерда боғ ташкил этиш юзасидан тақлиф бердик. Шу кўнга қадар 30 нафардан ортиқ ташаббускорга боғ-роғ учун ер ажратилди. Бу ерда сархил мева, сабзавот экинларидан ташқари доривор наъматак етиштириш борасида ҳам иш олиб борилмоқда. Янги кўчатлар харид қилиш ва иссиқхона қуришга моддий жиҳатдан имконият топа олмаётганларга имтиёзли кредит олишга тавсиялар берамиз.

Сўх нафақат сўлим табиати билан машҳур, балки ер усти ва ер ости бойликлари сероб ҳудудлардан. Бу ерда янги конларни қидириб топиш, мавжуд

бериди. Яқин йилларда мазкур хомашёларни саноат йўналишида ишлаб чиқаришга жорий этиш йўлида ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширишни мўлжаллаб турибмиз.

Айни кўнда травертин қонини ўзлаштириш ҳисобига умумий қиймати 109 миллиард сўмлик пардозбоп тошлар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Натижанда йиллик 4,2 минг куб метр чиғанокли охактош қазиб олиш йўлга қўйилди. Шунингдек, пишиқ гишт, газоблок, сув йўлари учун лоток ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

— Кейинги икки йилда қурилиш йўналишида 80 дан ортиқ корхона иш бошлади. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар туман саноати улушининг 30 фоизини ташкил этмоқда, — дейди туман ҳўкимининг биринчи ўринбосари Илҳомжон Тожибоев. — Саноат ишлаб чиқариш зоналарини зарур муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун 6,5 миллиард сўм ажратилди. Худудларни мунтазам электр, сув ва газ билан таъминлаш ишлари яқуний босқичга кирди.

Бундан ташқари, хизматлар соҳасини ривожлантиришга эътибор ошди. Биргина хизмат кўрсатиш йўналишида умумий қиймати 39 миллиард 95 миллион сўм бўлган 25 та лойиҳа ишга туширилди. "Мулгон" маҳалла фуқаролар йиғинида ёш тадбиркор Илҳомжон Сапомов ташаббуси билан хизмат кўрсатиш мажмуаси барпо этилди. Бинонинг биринчи қаватида озиқ-овқат ва кийим-кечак расталари жойлаштирилди. Иккинчи қаватида маҳалла ёшлари учун компьютер хизматлари йўлга қўйилди.

— Маҳалламизда ташкил этилган хизмат кўрсатиш шохобчасида аҳоли кўндалик ҳаёт тарзи учун керакли бўлган барча нарсас бор, — дейди меҳнат фахрийси Иброҳимжон Норов. — Авваллари бундай хизмат турлари фақат шаҳарларда бўларди. Энди чекка тоғ қишлоқларида ҳам замонавий хизмат кўрсатиш тармоқлари қурилаётгани узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилляпти.

Халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлидаги лойиҳалар кўлами кенг. Олис туманда янги инфратузилма бунёд этиш, саноат тармоқларини ривожлантириш ҳисобига экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналар кўндан-кўнга кўпайиб бормоқда. Ер усти ва ер ости табиий бойликларини ўзлаштириш, балиқчилик, паррандачилик, чорвачиликни ривожлантириш, интенсив боғ-роғлар барпо этиш борасида ҳаётбахш ислохотлар ҳақида ҳар қанча гапирсак оз.

Гап рақамларда эмас. Аввало, бу ислохотлар оддий одамлар ҳаёт тарзида акс этаётгани, уларнинг ҳаётини рози бўлиб яшашига хизмат қилаётгани билан эътиборга молик.

ИННОВАЦИЯ



Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ПЎСТЛОҚДАН ЦУКАТ, КЎК ЁНҒОҚДАН КОНСЕРВА...

2022 ЙИЛНИНГ НООДАТИЙ ЛОЙИҲАЛАРИ

Дунё илм-фани шу қадар ривожланиб кетдики, гўё ҳамма нарса ихтиро қилиб бўлинган, энди бирор янгилик яратиб қолмади. Аммо ҳамоно янги кашфиётлар ҳақида эшитяпмиз, қисқа фурсатларда ўша ихтироларнинг фойдаланувчисига ҳам айланяпмиз. Илм-фан тараққиёти бевосита ишлаб чиқариш саноатини гуркиратмоқда. Айниқса, сунъийликнинг зарарли оқибатлари яққол кўринаётган бугунги даврда инсоният табиий маҳсулотларни танлай бошлади. Демак, ҳали кашф этмоқлик жараёнига эҳтиёж жуда катта.

Авваллари юртимизга бирор кашфиётнинг нафаси бир неча ўн йиллар давомида кириб келган бўлса, ҳозир бу ривожланиш жараёнлари билан тенг ҳаракатланяпмиз. Мамлакатимиз илм-фани нафақат тараққий этиб борапти, балки у инновация билан уйғунлашмоқда. 2022 йил ана шундай янги гоғлар, лойиҳа ва ишлаб чиқаришларга бой бўлди.

Ноанъанавий хомашё ва сабзавотлардан цукат тайёрлаш ҳақида эшитганимиз? Оддий қилиб айтганда, цукат мева пусти ёнғоқ, қовун, тарвуз пўчоқлари ҳамда сабзавот пўстлогини қайта ишлаш орқали тайёрланган маҳсулот. Бу технология Наманган давлат университети биотехнология факультети жамоаси томонидан ишлаб чиқилган. Инновацион ривожланиш ваазирлиғи эса истиқболли лойиҳага 400 миллион сўм ажратди. Ишлаб чиқариш цехи ва ундаги

замонавий лаборатория USAID халқаро ташкилотининг 30 минг долларлик грант лойиҳаси асосида жиҳозланди.

Одатда мева ва сабзавот пўчоғини чиқитга чиқариб юборамиз. Ваҳоланки, аксарият маҳсулотларнинг пўчоғи фойдаланиш элементларга бой бўлади. Жамоа ана шундан унумли фойдаланиб, хомашёси арзон, аммо нархи қиммат бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни мақсад қилди. Аммо истеъмол учун янги, арзон ва фойдаланиш маҳсулот яратиш осон жараён эмас. Бир неча йиллик лаборатория тадқиқотлари ва бозор талабини ўрганаш асосида қутилган натижага эришилди.

Цукат табиий, арзон, витамин ва минералларга бойлиги сабаб хариддориг. Фойдаланиш хусусиятига кўра, истеъмол бозорида кенг тарқалган кимёвий маҳсулотлар ўрнини муносиб эгаллайди.

Унга, айниқса, хорижда талаб юқори, чет эллик харидорлар цукатни турли шаклларда харид қилишга тайёр.

— Ҳозирги кўнда цукат, асосан, қовун ва тарвуз пўчоқлари, сабзи, ошқовоқ ва қизилча каби сабзавотлар пўстидан тайёрланяпти, — дейди университетнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, техника фанлари номзоди, доцент Шўхрат Отахонов. — Республикамизда полиз ва сабзавот экинлари кўп экиладиган ҳудудлар бисёр. Биз улар билан шартнома тузиб, катта миқдордаги хомашёни арзон нархларда харид қиламиз. Бу ишлаб чиқариш қиймати ортиб кетмаслиги ва ички бозор учун маҳсулотни арзон нархларда чиқаришни таъминлайди. Экспорт учун эса бир неча баробар қиммат сотиш мумкин. Чунки мутлақо табиий маҳсулот бўлган цукатларга жаҳон бозорида қизиқиш катта. Қолаверса, улар кам қалорияли, сунъий қўшимчалардан холи, саломатлик учун фойдали маҳсулотдир. Шу боис, қатор хорижий давлатлардан буюртмалар келиб туשאпти. Бир неча шартнома имзолашга ҳам эришдик.

Тадқиқот ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларида талаба ёшлар бевосита иштирок этипти. Биргина цукат ишлаб чиқариш цехида 32 нафар талаба иш билан таъминланган. Улар ҳам назария, ҳам амалиётни уйғун ҳолда олиб бормоқда.

Йодга бой маҳсулот

Ҳар йили баҳор ойларида ёнғоқ ғўрасини оналаримиз бизга бериб, бу бўқоққа даво эканини айтади. Уша кичкинагина ғўра таркиби йодга бойлигини

илм-фан ҳам тасдиқлайди. Ана шу хусусияти сабаб ёнғоқ бўқоқ ва қамқонлик касалликларининг олдини олиш ва даволашда фойдали.

Наманган давлат университети олимлари эса кўк ёнғоқ консерваси тайёр

айниқса, бўқоққа чалинганлар сони ортиб бораётган ҳозирги шароитда жуда зарур.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, айни вақтда дунёда 665 миллиондан ортиқ одам энде-



лашни ҳам йўлга қўйган. У цехда бошқа консервалар қаторида ишлаб чиқарилмоқда. Олимлар, аввало, маҳсулот табиийлиги ва фойдали хусусиятларини тўлиқ сақлаб қолишга интилади. Консерва идишлар эса маҳсулотни узоқ вақт ўз холича сақлаш имконини беради.

Бундай консерванинг харидорлари кўп бўлиши табиий. Чунки кўк ёнғоқни табиатда йил давомида етиштириш мушкул. Консервани эса исталган вақтда истеъмол қилишнинг имкони бор. Бу,

мик бўқоқ ва қалқонсимон безинг бошқа касалликларидан азият чекмоқда. 1,5 миллиард инсонда эса йод танқислиги хасталиқларига чалиниш эҳтимоли бор. Ушбу касалликлар орасида бўқоқ кейинги йилларда дунёнинг аксарият мамлакатлари, шу қаторда Ўзбекистон учун ҳам долзарб масалага айланиб бормоқда. Кўк ёнғоқ консерваси эса эндроким касалликлар профилактикаси, шунингдек, қамқонликнинг олдини олишда кўл келди.



Шу боис, цехда ушбу маҳсулот консерваларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсад қилинган. Хусусан, 2023 йилда Инновацион ривожланиш ваазирлиғининг 800 миллион сўм маблағи ҳисобидан ун маҳсулотини йод ва темир моддаси билан бойитиш лойиҳасини амалга ошириш ҳам режалаштирилмоқда. Бугунга қадар мамлакатимизда унни йод ва темир билан бойитиш учун зарур моддалар хориждан катта маблағ эвазига олиб келинади. Биотехнология факультети олимлари эса илмий тадқиқотлар жараёнида бу моддаларни маҳаллий маҳсулотлардан олишга муваффақ бўлди. Энди ишлаб чиқариш жараёни йўлга қўйилиши юртимиз озиқ-овқат саноатида катта бурлиш ясаши кутилмоқда.

Цукат ишлаб чиқариш лойиҳасини янада кенгайтириш ҳам кўзда тутилган. Ҳатто қандли диабет билан оғриган беморлар учун шакарсиз цукат тайёрланади. Тадқиқотчи олимлар ва уларнинг шогирдлари — талаба ёшлар эса шу каби кўллаб янги лойиҳаларини давом эттириб, келаси йили ҳам юртимиз иқтисодиёти учун фойдали ишлаб чиқаришларга бош қўшишга бугундан оқ ҳаракатга киришган.

МУНОСАБАТ

# МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ УЧУН МУҲИМ ДАСТУР

**Собитхон ТУРҒУНОВ,**  
Наманган давлат университети ректори

Инсонда яхши одат бор: ҳар йилнинг сўнггида ортга назар ташлаб, эришган ютуқлари, улгуролмаган ишларини сарҳисоб қилади. Янги йилда янги режалар тузиб, яхши ниятлар қилади, олдида мақсадлар қўяди. Давлатимиз раҳбарининг навбатдаги Мурожаатномасида ҳам ғоят долзарб масалалар ўрunga ташланиб, муҳим вазифалар белгиландики, бу бевосита ҳар бир юртдошимизнинг ҳаёти, турмушига дахлдор.



Уларнинг энг аввалида конституциявий ислохотларни эътироф этиш мумкин. Диёримизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонун олдида тенглигини кафолатлаш масалаларига ҳар қачонгидан кўпроқ аҳамият қаратилаётди. Бу жаҳонда ўз ўрнини мустаҳкамлаб бораётган Янги Ўзбекистон тараққиётида муҳим ислохотлардан саналади. Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги позицияси ҳам, ишончи ҳам қатъий. "Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак. Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат" деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, қундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдиришимиз керак", деди Президентимиз.

Бугун халқимизнинг дунёқараши бутунлай ўзгарган. Ислохотлар фақат инсон манфаатини кўлашани халқимиз том маънода англаб етмоқда. Шу боис, Конституцияни тақомиллаштириш жараёнига ҳеч бир фуқаро бефарқ бўлмади. Бош қонунимизга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан 220 мингдан зиёд тақлиф келиб тушгани фикримиз далилидир. Қолаверса, барча соҳада "Жамият — ислохотлар ташаббускори" тамойили ўз ифодасини топмоқда.

Таълим соҳаси вакили бўлганимиз боис, давлатимиз раҳбарининг 2023 йилни "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб эълон қилгани бизни, айниқса, тўлқинлантириб юборди. Қайси даврда бўлмасин, ҳеч бир соҳа ривожини таълим ва илм-фансиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамиятимизда таълимнинг ҳар бир бўғини — бочадан тортиб олий таълимгача, биз интилаётган Учинчи Ренессанснинг барпо этишга хизмат қилади. Таълим тизимини янада ривожлантириш, халқ орасида илмни, зиёли қатламнинг ортшига замин яратиш эса инсонга эътиборнинг олий намунаси.

Бу соҳанинг фидойилари — устоз ва мураббийлар эса давлатчилигимиз тарихидан то бугунга қадар катта обрў ва мавқега эга бўлиб келган. Шарқ

соғлом рақобат муҳитини юзага келтириб, университетларнинг трансформация жараёнини сезиларли тезлаштириди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги 41 та олийгоҳга академик ва молиявий мустақиллик берилиб, трансформация офислари очилди. Жумладан, Наманган давлат университети ҳам бу янгиланишларга дахлдор.

**“** Муассасамизда 27 мингдан зиёд йигит-қиз турли йўналишларда билим олади. Тўққизта ўқув биносига талабалар учун барча шароит яратилган. Кейинги йилларда университет профессор-ўқитувчилари таркиби сезиларли даражада яшарди. Хусусан, сўнгги уч йилда 187 нафар ёш таълим даргоҳи профессор-ўқитувчилари сафига келиб қўшилди.

Молиявий мустақиллик хорижлик ҳамкорлар билан ишлаш жараёни фаоллаштирмоқда. Атиги икки-уч

йилда кўплаб халқаро лойиҳалар амалиётга муваффақиятли татбиқ этилди. Жумладан, қиймати 28 минг АҚШ доллари бўлган медиамарказ, 200 минг долларлик аквакультура бўйича ўқув-амалий тренажёр ташкил қилинди. Бу жаҳон стандартларига мос, энг илғор технологияларга асосланган лойиҳалардир. Бир вақтлар уларнинг бир қисмига эга бўлишни ҳам тасаввур қилолмасдик. Ҳозир эса ёшлар замонавий технологиялардан фойдаланиб, ижодий, ақлий имкониятини намоён этишти, янги лойиҳаларни амалга оширяпти.

Дунё ривожлангани сари одамлар орасида таълим олиш, янги билимларни ўзлаштириш, юқори салоҳиятга эга бўлиб, талабгир соҳаларда ишлашга эҳтиёж ортиб бораверади. Малакали кадрлар эса ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши, мамлакат тараққиётига ҳисса қўшади.

Шу жиҳатдан Мурожаатномани бутун халқимиз, жумладан, наманганликлар ҳам юқори қизиқиш билан тинглади. Унда юртдошларимиз эътиборини тортган яна бир масала Президентимизнинг Самарқанд ва Наманган шаҳарларини алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида республика бўйсунувига ўтказиш ташаббусини илгари сургани бўлди. Бу ташаббус меҳнаткаш наманганликлар қаторида бизни ҳам ниҳоятда қувонтирди.

Аҳолиси миллиондан ортқ шаҳарга айланган Наманган улкан бунёдкорлик ишлари, саноат, тадбиркорлик, таълим, маданият соҳаларида минтақавий марказ сифатида ўз ўрнини топаётгани Мурожаатномада алоҳида эътироф этилди.

Мурожаатномада белгиланган вазифалар ижроси халқимизнинг мактаб, бочча ва шифохоналари кўпайтириш, таълим ва тиббиёт сифатини ошириш, маҳаллада йўл, сув, электр, транспорт муаммоларини ҳал қилиш, иш ўринларини кўпайтириш, тадбиркорликка янги имкониятлар яратиш, адолатли таъминлаш, оворагарчилик, бюрократия ва коррупцияни йўқ қилишга талаби ҳамда хоҳиш-истагининг ижобатига хизмат қилади.

Таълим тизимидаги ишлар эса охириги йиллардаги ислохотларга чамбарчас ҳолда янада жадал давом этади. Зотан, илм аҳли эътиборда бўлган жамият том маънода фаровонлашади.

НУҚТАИ НАЗАР

## ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИНГ ДРАЙВЕРИ — ПЕДАГОГ

### У ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ ЯРАТАДИ



**Холбой ИБРАИМОВ,**  
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори, педагогика фанлари доктори, профессор

Президентимизнинг Мурожаатномаси биз, таълим-тарбия ходимлари учун алоҳида совға бўлди. Бундай эътибордан

устоз-мураббийларнинг боши осмонга етди. Давлатимиз раҳбарининг "Жондан азиз болаларимиз мактабдан чет тилларни, касб-хунар ва компьютер саводхонлигини пухта ўрганиб чиқса, биласизларми, жамиятимиз қандай ўзгаради? Янги Ўзбекистонда мактаб жамоалари ва муаллимларнинг масъулияти — айнан ана шу масалаларда яққол намоён бўлади. Ва мен ишонаман — сиз, жонқуяр ўқитувчиларимиз бу вазифани шараф билан удралайсизлар", деган сўзлари замирида инсон капиталига эътибор турибди. Бу пировардида мамлакатимиздаги ҳар бир кишини илмни, ишли, ҳаётини фаровон қилиш ғоясига асосланишини батафсил, ҳаётини мисоллар ёрдамида ўрганди. Мурожаатнома мазмунини таҳлил қилиш асосида ўқитувчиларнинг мактаб таълими жамиятни ўзгарттиришига ишончи ошди. Педагогик касбининг масъулияти нақадар юқорилигини қайта англаб олди. Бу муболага эмас.

Президентимиз "Таълим сифатини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққо ягона тўғри йўлидир", дея соҳа ходимлари олдида ҳаққоний талабни қўйди. Зеро, таълимнинг юраги ҳам, драйвери ҳам ўқитувчи, педагоглар. Ўқув қўлланмалари, янги дастурлар, албатта, зарур. Лекин жойларга, мактабларга бориб, ўқитувчиларга замонавий, амалий педагогик компетенциялар ўргатилмаса, ўқитишнинг самараси юқори бўлмайди.

нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур", деган эди. Дарҳақиқат, бугунги таҳликали паллада бузғунчи кучлар, таҳдидлар кўпайиб бормоқда. Улар болаларимизни йўлдан уришни истайди. Алдаб, ўз Ватанига, халқига қарши қайрамоқчи бўлади. Бундай пайтда биз, ота-оналар, мактаб, маҳалла билрлашиб, ёшларимизни ҳимоя қилишимиз керак. Шундай бўлади ҳам — биз, мураббийлар билрлашиб, маънавий,



Хўш, нима қилмоқ керак?

Президентимиз бу муаммонинг ечимини ҳам кўрсатиб берди. Таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиш, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича масалаларни биргаликда ҳал этишимиз керак, дейилди. Биз Президентимиз ташаббусидан илҳом олиб, "Кўчоқ очиб мактабларга бораёйлик!" деган ғояни кўтардик. Бунда ота-оналарни, тартиби жорий этиладиган бўлди. Болаларимиз қорни очиб, дарсдан кейин уйига югурмайди. Тўғрақларда қатнашади, беш муҳим ташаббусга бағишланган тадбирлар, ижодий учрашувларда иштирок этади.

Мурожаатномада келтирилган яна бир хайрли ишга халқимиз таҳсин айтмоқда. Энди юртимиздаги барча мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари учун бепул оқватларни тартиби жорий этиладиган бўлди. Болаларимиз қорни очиб, дарсдан кейин уйига югурмайди. Тўғрақларда қатнашади, беш муҳим ташаббусга бағишланган тадбирлар, ижодий учрашувларда иштирок этади.

мафқуравий қалқон бўлаемиз. Болаларимизни радикал ғоялардан ўзини ҳимоя қилишга ўргатаемиз.

Учинчи Ренессанс пойдевори мактабда қўйилмоқда. Мурожаатномада "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да педагогик ислохотларнинг методологик асослари, принциплари белгилана берилди. Биз уларга асосланиб, таълим сифатини оширишга дифференциаллашган ёндашув, тарбиявий ишларни юксак технологиялар асосига қуриш, ўқувчиларда жамоада ишлаш кўникмасини ривожлантириш, чет тил, касб, компьютерни ўргатиш замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқиш, мактабларимизга жорий қилаемиз.

Ана шунда таълим-тарбиядаги айрим эскирган методлар, ҳаммага бир ёндашувлар тўхтайдди. Ўқувчи, талабаларнинг билими, компетенцияси, фазилидан келиб чиқиб, дифференциал ёндашув, педагогик диагностика жорий қилинади. Чунки Янги Ўзбекистон ёшлари янги, сифатли тарбия олиши керак. Ана шунда фарзандларимиз Президентимиз оруз қилганидек, кўзи ёниқ, ватанпарвар, оловқалб йигит-қизлар бўлиб етишади.

Президентимизнинг Мурожаатномасини ҳар бир педагог олим ўзига қилинган хитоб деб қабул қилди. Мамлакатимиздаги барча мактаб жамоалари бор куч ва имкониятини ишга солиб, педагогик кўникма ва масъулиятини оширади. Бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилади. Натижада мамлакатимиз тараққиётига муносиб таълим-тарбия сифати ва инсон капитали таъминланади.

# БАРҚАРОРЛИК УЧУН ДОИМ ОҒОҲЛИК КЕРАК

**Азизбек АМОНОВ,**  
Бухоро давлат университети проректори,  
социология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мамлакатимиздаги ислохотлар халқимизнинг оғирини енгиш, узоғини яқин қилишга қаратилганини кўриб турибмиз. Барча жаҳонларда аҳолининг розилигига эришиш, фаровонлигини таъминлаш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Яқинда эълон қилинган Мурожаатномада ҳам Президентимиз шу ҳақида сўз юритиб, жумладан, бундай деди: "Эришаётган барча ютуқларимиз, инсон қадрли улғў бўлган диёр — Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги дастлабки натижалардир. Биз бунёдкор халқимиз билан бирга бундай эзгу ишларни давом эттирамиз ва олдимизга қўйган катта-катта марраларга, албатта, эришамиз".

Бу марраларга етиш учун, шубҳасиз, юксак билим ва тафаккур зарур. Уларни эгаллаш учун мустаҳкам пойдевор эса таълим-тарбия муассасаларида босқичма-босқич қўйиб борилади. Давлатимиз раҳбарининг "Таълим сифатини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққо ягона тўғри йўлидир", деган юксалишга даъват этувчи чорлови кенг жамоатчилик, айниқса, ўқитувчи ва мураббийлар юрагига акс-садо беряпти. Барча соҳа раҳбарлари ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқот қилляпти, улар билан ҳисоблашмоқда. Педагогларнинг мақоми, ҳаёт тарзи, меҳнат фаолияти учун зарур шароитлар яратиб берилмоқда. Таълим соҳасидаги тарихий ўзгаришлар энди Бош қонунимизда

мустаҳкамланади, кафолатланади. Бу эса ўқитиш сифатини яхшилаб, Янги Ўзбекистоннинг бунёдкори бўлиш ишларини камолга етказишда мустаҳкам замин бўлади.

Президентимиз ҳар гал буюк алломалар, айниқса, жадид боболаримизнинг меҳнати, заҳматини фахр билан тилга олиб, уларнинг сўзларидан иқтибос келтиради. Бу гал ҳам "Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия тўғрисида эришилади", дея дунёнинг кўпгина ривожланган давлатлари тараққиётига сабаб бўлган ҳақиқатни эсга олди. Бугун юртимиз аҳолиси, айниқса, ёшлар тарихий ҳақиқатларни англаш, маърифатпарвар боболаримиз



нинг ҳаётини чуқур ўрганиш имкониятига эга. Бу борадаги амалий ишлар янада кенг миқёсда давом эттирилиши Мурожаатномада ҳам таъкидланди.

Юртимиздаги барча соҳаларда интеграциялашув имконияти кенгаймоқда. Жумладан, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги жадал йўлга қўйилляпти. Зотан, барча саъй-ҳаракатлар оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигидан бошланиши кўп бор тилга олинади. Ҳақиқатан, ўзбек маҳаллалари тинчлик ва оқилоллик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия қўрғонига айланиб улғурди.



www.yuz.uz



yuz.uznews




yuz\_official

## МУЛОҲАЗА

## ИЛМИЙ ҲОЯЛАР

## ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

## Ёхуд замонавий археология олдида турган долзарб вазифалар

Аҳмадали АСҚАРОВ,  
академик

**Президентимизнинг Мурожаатномасини катта қизиқиш билан тингладик. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2023 йилнинг "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб эълон қилиниши мамлакатимиз илм-фан аҳли, таълим соҳаси вакиллари учун ғоят қувончли хабар бўлди. Айниқса, Президентимиз "Таълим сифати нима бўлади, деган савол ҳаммамизни ўйлантириши керак... Энди олимулмуминимиз сув**

**ва энергияни тежаш, тупроқ унумдорлиги ва хосилдорлик, геология, саноат, қурилиш каби бутунги кунда биз учун долзарб йўналишларда аниқ натижалар кўрсатишлари керак", дея қуюнчаклик билан таъкидлаганида зуммамизда қанчалар залварли вазифалар турганини янада чуқур хис қилдик. Илмий изланишларда кечган ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзаси кўз ўнгимиздан ўтди.**

XX асрнинг 60-йиллари биринчи чораги тарих фанининг археология йўналиши бўйича Ленинградда (ҳозирги Санкт-Петербург) "Зарафшоннинг қуйи ҳавзаларида бронза асри" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб Тошкентга қайтган, қадимги Бухоро воҳасининг шимоли-ғарбий қисмини эгаллаган Қизилқум даштларида устоз Яхъ Ҳуломов тавасси билан археологик изланишларимиз давом эттири бошладим. Чунки Зарафшон дарёси чириндиларга бой лойча сув ҳосилла бўлиши қалин, намдор, унумдор қоқларда (заминда) йўл-йўлакчи қўллар ҳосил қилиб, Махондариёнинг 5 та сувоти (узани) орқали Амурдарёга бориб қуйилган.

Бу минтақа Зарафшон дарёсининг қуйи ҳавзаси ҳисобланиб, бу жойларда Зарафшон дарёси Махондарё номи билан юритилган, унинг кенг узани ва қўл ёқаларида неолит давридан буён ажодлар макон тутиб, парранда, ёввойи ҳайвон ва балик ови билан шугулланган. Энеолит ва бронза давридан бошлаб эса бу заминда кўп асрлар давомида Зарафшоннинг лойча сувлари ҳосил қилган қалин ва текис қоқларда мотига дехқончилиги билан шугулланиб келган. Бу ибтидоий тарихий манзарани чуқурроқ ўрганиш масаласи устоз раҳбарлигидаги илмий экспедициянинг долзарб вазифаси бўлиб, ментга су география кенглида янада кенг қўламли археологик изланишлар олиб бориш юклатилган эди.

Жанубий Қизилқум худудларида макон топан неолит, энеолит ва бронза даври ёдгорликлари антик даврдан бошлаб қалин қўламли бархан қўллар остида қолиб кетган. Чунки Зарафшон дарёси

суви унинг юқори, ўрта оқими худудлари илк темир давридан бошлаб мунтазам ўзлаштирилиши муносабати билан унинг қуйи оқимига сув келиши кескин камаяди, оз миқдорда келгани ҳам Қизилқум саҳросига сингиб кетиши оқибатида неолит, энеолит ва бронза даври маконлари, манзилгоҳлари йўқ бўлиб кетган. Чўл шимоли ақсар манзилгоҳларида ҳосил бўлган маданий қатламлари бўзиб, учириб кетган. Қўл ёқаларидаги қўм устида учратилган тошдан ясалган меҳнат қуроллари, сопол парчалари эса неолит ва бронза даври топилма жойлари бўлиб, маданий қатламлари учириб кетилган қадимги манзилгоҳлар изидан нишонга эди. Улар археология амалиётида манзилгоҳ эмас, балки топилма жойлар деб аталган. Уларнинг баъзилари, масалан, Замонбобо қабростони, унинг яқинидан топилган Замонбобо қўлбаси ҳам қадимда кўчама қумлар остида қолиб кетгани боис бизга сақланган. Бу жойларда тез-тез бўлиб турадиган бўрон оқибатида уларнинг айрим қисми очилиб қолиб, кемирувчилар тўғайли топишга муяссар бўлиди.

Дала амалиёти вақтида устоз Я.Ҳуломов билан кундузлари қазишмаларда, кечалари эса ўтовларда гулхан ёқиб, афрофидо сўхбатлар, илмий сўхбатлар тез-тез бўлиб турар эди. Сўхбатлардан кўра устоз бархан қўм остида қолиб кетган Замонбобо қабростонининг очилиш тарихини ҳикоя қилиб берди: "Узани кенг сувсиз чакалакзорга айланган Махондарё ирмоқларидан бири Турдуш (Гужайли) дарёчаси ҳосил қилган Замонбобо қўли атрофини айланган чарчади. Қўлнинг шимолий соҳилида ҳосил бўлган қўмтепча устига кўтарилиб дам

олаётган кезларда шамол учуриб кетган қўмтепча остидаги қўқликда пайдо бўлган нам тупроқ уюмига кўзим тушди. Бир неча лаҳза ўтгач, нам тупроқ уюми катталаша бошлади. Юмронқозик чиқариб ташлаётган нам тупроқ юзасида чақмоқтошдан ясалган камон ўқи учи, бир парча сопол пайдо бўлди. Сабрим чидмай, ўша жойга яқинлашимиз билан юмронқозик тупроқ отишни тўхтатди".

Нам тупроқ уюмида учратилган сопол парчаси ва камон ўқи учи энеолит даврига тегишли ашёвий далиллар эканини билган устоз юмронқозик ўраси теваварак-атрофини режа асосида қазишга

Эртаси кун Қоракўл туманидан бульдозер ёллаб, қир остидаги қалин қўмтепани сурдириб, бронза даврига тегишли манзилгоҳни топишга муяссар бўлганман.

Юқорида келтирилган мисоллардан ҳулоса шуки, илмий ғояларнинг барчаси амалий тажрибалар, сиңчков кузатувлар ва лаборатория изланишлари асосида курилади. Шундай археологик кузатувда ортирган тажрибаларимиз ЮНЕСКОнинг Буюк ипак йўли дастури — маданий мерос ёдгорликларини ўрганиш ва дунё миқёсида тарғиб қилишда асқатган.

ЮНЕСКОнинг 1987-1997 йилларга мўлжалланган "Буюк ипак йўли —



киришиб, бу жой қадимги қабростон эканига ишонч ҳосил қилади. Замонбобо қабростони шундай кашф этилади.

Айнан археологга ҳоз кузатув тўғайли Ўзбекистон қадимги тарихи саҳифасида энеолит даврининг янги ёдгорлиги топилиди, ўзига ҳос янги — Замонбобо маданияти кашф этилди. Табиат ва унинг воқеликларини кузатувда нафақат археологик қидирув вақтида, балки археологик тадқиқотларнинг барча жараёнларида, умуман, ҳаётда қўлланилиши зарур.

Сиңчков кузатувчанлик фазилати илланувчининг кашфиётлар соҳиби бўлишига олиб келишига ўзим ҳам бир неча бор амин бўлганман. Мен устоз ҳикоясини қалбимга жо этиб, унга амал қилган ҳолда, Замонбобо манзилгоҳини қидиришга киришимди. Мақсадимга эришимдма менга ҳам каламуш ёрдам қилган.

Замонбобо манзилгоҳи Турдуш-Гужайли ўзани ўн соҳили бўйлаб чўзилган қирлик остида жойлашган бўлиб, сатҳини қалин қўма қўм босган. Бу жойда тез-тез кайтарилиб турадиган шамол таъсирида қўмтепанинг бир қисми тақирғачча очилиш, тақир юзасида намчил тақиртупроқ уюми пайдо бўлиб қолибди. Устознинг ҳикояси эсимга тушиб, тупроқ уюмининг титқилла бошладим. Натижада сопол ишнинг бир неча бўлаклари, чақмоқтошдан ясалган пластинка, ўқ-ёйнинг синган парчаси ва тош пайраха топилиди.

мулоқот йўли" дастури бор эди. Дастурда Хитойнинг тарихий Хиан шаҳридан Ўрта Осиё ва Эрон орқали Ўрта ер денгизи мамлакатларига темир йўл ўтказиш, давлатлараро савдо-сотиқни ривожлантириш ҳамда Буюк ипак йўли бўйлаб жойлашган шаҳарларнинг этномаданий мероси, турли халқлар этнографияси, умумбашарий иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганиш масалалари режалаштирилган эди.

Иккинчи масала юзасидан халқаро илмий экспедициялар ташкил этиш кўзда тутилади. Ушбу дастурда экспедициялар жараёнида тўпланган материаллар асосида 35 серияли фильм яратиш ҳам режа қилинганди.

1960-йилларнинг ўрталарида Жанубий Қизилқумдаги археологик изланишлар давомида барханлар орасидаги ўтлоқларда ўтлаб юрган ҳайвон поддаларини қўш чикаётган ва қўш ботаётган кезларда, унинг айлана соҳаси ичига тушиб қолган манзарасини кузатганман.

Мен покистонлик машҳур тарихчи-археолог олим, профессор Аҳмад Даний билан биргаликда экспедицияга илмий консультант эдик. Вазифамиз ҳаракатдаги экспедиция фаолиятини илмий йўналтириш, илмий изланишлар муваффақиятли яқунланишини таъминлашга қаратилган ғоявий масалалар бериш, ўз илмий ғояларимиз билан экспедиция амалий натижаларини бойитишдан

иборат эди. Япониянинг "Эн Эч Кей" телекомпанияси экспедициямиз ҳомийси бўлиб, бизга катта умид билан қарагини ҳам теран англаганмиз.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Жанубий Қизилқумда кузатган, томошабин диққатини ўзига тортувчи мафтункор ва баръажизакор манзара ҳали-ҳали ёдимда. Бунинг учун, албатта, камида 100 туяли юк билан савдо қарвонини ташкил этиш мақсадга мувофиқ эди.

Экспедициямиз Бухоро вилоятининг шимоли-ғарбий худудларида Ипак йўли бўйлаб қадимда қад кўтарган шаҳарлардан бири — Варахша қасрига етиб борганида дастлаб ўз индивидуал режама мазмун ва моҳиятини касбдошим Аҳмад Данийга етказиб, маъқул бўлса, режамни ҳомий олдида қўллаб-қувватлашини илтимос қилдим. Аҳмад Даний эса масала моҳиятини чуқур англаб, "Тақлифингиз ўта муҳим, маблаг масаласида ҳеч қандай муаммо бўлмайдди, аммо уни ташкил этиш масаласи жуда оғир кечадди, чунки барча оғирлиқлар сизнинг зиммангизга тушади. Бунга нима дейсиз? Шу кунларда қўш эрталаб 5 да чиқади, экспедиция аъзолари Бухоро шаҳридаги меҳмонхоналарда яшайдди, ҳар кунни нонушта қилиб, арағ эрталаб 9 да иш бошлаймиз. Йўл эса 70-80 километрдан кам эмас. Ташкил этилажак савдо қарвони ва уни суратта олувчи экспедиция аъзоларини эрталаб соат 5 да объектга етказиб келиш муаммоси бор. Экспедициянинг қўмликлар орасида тунашига рухсат бўлармикан, деган ташвишдаман", деди.

Мен эса Варахша массивига келган кунимиздан бошлаб қайси бир бархан қўмтепани тақлифимга мос тушишини кузатиб, суратта олишга лойиқ телаликни ҳам танлаб қўйган эдим. Экспедиция ҳомийси билан учрашув кўтаринки руҳда ўтди. Режалар дарҳол қўрига битилиб, экспедицияга бириктирилган давлат ҳавфсизлик бошқармаси вакилларининг баъзи биларни қаршилликга қарамай, амалий ишлар бошланиб кетди. Қисқа муддат ичида Қизилқум овулларида маҳаллий ҳокимият ёрдамида туяқашлар, 100 та туя, республика раҳбарияти топишига билан эса қисқа муддатда 200 той юк ортирган савдо қарвони ташкил этилди.

Мен танлаган қўмтепанининг узунаси 500 метр, энг банд чўққиси аста-секин юқориға кўтарилишчи пандуссимон хусусиятга эга бўлиб, биринчи кун кечга томон қарвонини унинг устига жойлаб, қўш ботишини кузатдик. Қарвонбоши сифатида танланган оқ саллила мўйсафидини эшақка ўтказиб, юганини навқирон ёш илгит қўлига ушлатиб, унга қарвонни қулай йўл орқали етакловчи роли юклатилди. Улар ортидан юк ортирган туялар қарвони саф тортиди. Ҳар бири 10 туядан иборат қарвондаги биринчи туяга қўнқироқ осиб қўйилди. Кун ботиши арафасида қўш нури қўмтепанинг энг банд чўққисига тушганда қарвонбоши ва 10 та туя юқари билан тўлиқ қўш ичига жойлашди. Бу манзара суратга олинди.

Ушбу ҳолатни эртаси тонг саҳарда, қўш чиқishi палласида қайтаришга келишиб, кутган мақсадга эришилди.

Бу кўриниш "Эн Эч Кей" телекомпанияси жамоаси тайёрлаши керак бўлган фильмнинг ҳар бир серияси бошланишида ўз аксини топиши режалаштирилди. Бундай ғоявий амалий тажриба натижаси ўша кезларда ҳомийлар қалбига муҳрланиб, ҳар бир туя ва туяқашга ваъда қилинган хизмат ҳақи дарҳол тўлаишдан ташқари, уларнинг барчасига қимматли совғалар улашилди. Кун буйи ғалабага атаб тўкин дастурхон ёзилиб, хурсандчилик қилинди. Бироқ туш палласида бир гуруҳ туяқаш тўкин дастурхонга яқинлашиб, экспедиция аъзоларига арзини айта бошлади. Пайдо бўлган муаммо ечимини топишга аралишишимга тўғри келди.

Индаллоси шуки, экспедицияга бириктирилган ҚБ вакиллари "Юқоридан" туяқашларга берилган қимматли совғалар зудлик билан тортиб олинсин, деган оғзаки буйруқ бўлган. Улар эса экспедиция раҳбарлари билан маслаҳатлашмай, "буйруқ"ни адо этган. Бундай ноҳўя топишиқ туяқашларда жиддий норозилик уйғотган. Агар бу воқеа экспедиция доирасидан ташқарига чиқса, давлат обрўсига соя солишини чуқур ўйлаб қўришмаган. Дарҳол бунинг олди олинди.

Бундай ноҳўя ҳаракат халқаро экспедиция ўз ишини Ўзбекистонда яқунлаш учрашувига бағишланган кезларда ҳам Тошкентда қайтарилди. ЮНЕСКО томонидан экспедицияга бириктирилган раҳбар мен ҳақимда кўп иллик сузларни гапириб, "Экспедициянинг юксак даражада яқунланишида жаноб Аскарқовнинг ташаббуслари, беғараз ёрдами катта бўлди. Шу боис, жаноб Аскарқовни бир ойма "Эн Эч Кей" телекомпанияси ҳисобидан Японияга қақраимиз", дея таъкидлади ва миннатдорлик рамзи сифатида менга қимматбахо совғалар топиширди.

Экспедиция раҳбарлари билан хайрлашиб бўлишим билан ҚБ вакиллари мени бошқа ҳонага қақриб, битта фотоопаратдан бошқа барча совғаларни тортиб олди. Мен эса раҳмат айтиб, тинчгина уйимга кетдим.

"Эн Эч Кей" телекомпанияси раҳбарлари билан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида иш юзасидан учрашишга тўғри келди. Москвага, шаҳсан меннинг номига ўша йилларда "Эн Эч Кей" телекомпаниясининг ташриф тақлифи юборилган. Аммо ўрнимга бошқа киши борагани ҳақида маълумот беришди. Мен эса "фавқуллода касалга чалиниб, бора олмадим", баҳонаси билан ёлгон гапирдим. Чунки ўша кезларда Ватан деганда, солиқ СССР тушунилар эди. Мен ҳам ана шу руҳда тарбияланган эдим. Мен Ватаним аҳил бир оила деб тушунаман. Аммо ҳаётда қўрсурсиз оила бўлмайдди. Оила қўрсурини ташқарига қикармай, оила аъзоларининг ўзи тузатиши керак.

"Эн Эч Кей" телекомпанияси раҳбарлари билан муаммо билимга деб демоқчиман? Бугун илмий ғояларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида катта ўзгаришлар содир бўлмақда. Бу саъй-ҳаракатлар ёшлар қалбига ёруғ келажакка умид уйғотди. Илмилар парвози учун кенг майдон яратилаётгани аждодларимиз орзу қилган "фозил инсонлар шаҳри" бунёд бўлишига олиб келади, насиб этса!

## ХАЛҚАРО НАШР

## ЯХШИ КИТОБ — СИФАТЛИ ТАЪЛИМ АСОСИ

## “ЎЗБЕКISTON МАДАНИЙ МЕРОСИ ЖАҲОН ТўПЛАМЛАРИДА” ТУРКУМИДАГИ 50 ЖИЛДЛИК КИТОБ-АЛЬБОМ ЎЗБЕК, РУС ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ЧОП ЭТИЛДИ

Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бутунжаҳон жамияти томонидан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда “Яхши китоб — сифатли таълим асоси” мавзусида инсонпарварлик акцияси ўтказилди. Шунингдек, “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” халқаро наشرينинг тақдими ҳам ўтказилди.

Кутубхоналар, миллий маданият марказлари, музейлар ва олий таълим муассасаларининг 120 дан ортқ вакили, олим ва тадқиқотчилар иштирок этган тадбирда “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” туркумининг янги жилдларини бепул оқиш учун сертификатлар ҳам топиширди.

Бу китоблар, айниқса, пойтахтдан олисда яшайдиган ёшлар учун муҳим

ва қадрлидир. Лойиҳага сўнгги олти йил давомида Eneil Group маҳаллий нефть хизматлари компанияси ҳомийлик қилиб келмоқда.

— Президентимиз Ўзбекистоннинг маданий мероси масалаларини давлат сиёсати даражасига кўтарди, — дейди Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бутунжаҳон жамияти васийлик кенгаши раиси

Бахтиёр Фозиллов. — Жорий йилда Ўзбекистон ва хориждаги босмаҳоналарда 50 жилд китоб-альбом чоп этилди. Бу Бутунжаҳон жамиятининг китобларни бепул тарқатиш бўйича жорий йилдаги биринчи акцияси эмас. Китобларимизни вилоят ва туман ҳокимликлари, музейлар, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар илмий жамоатчилиги вакиллари тарқатдик.

Ташиқлотчилар ушбу китоблар ва лойиҳа тўғайли мамлакатимиз ёшлари ўз тарихини чуқур ўрганиши, хорижда сақланаётган тўпламлар билан яқиндан танишишига ишонч билдиromoқда.

Китобларга нафақат хориж музейларида сақланаётган мерос, балки жаҳон бўйлаб миллий коллекциялардаги ноёб манбалар ҳам киритилган. Уларнинг

айримлари биринчи марта нашр этилаётгани муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар кўмағида 400 дан ортқ эксперт, жумладан, Бутунжаҳон жамияти аъзолари бўлган дунёнинг таниқли олимлари Ўзбекистон меросини ўрганмоқда.

— Илмий жамоатчиликнинг ушбу ташаббуси Янги Ўзбекистон ташаббуслари ҳаётга таъбиқ этишга қаратилган жамоат, давлат ва халқаро ташкилотлар, шунингдек, ижтимоий масъулиятли бизнесни бирлаштиришнинг ёрқин намунаси, — деди Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бутунжаҳон жамияти бошқаруви раиси



қолдирган Камолитдин Бехзод” ва тўрт жилдлик “Ўзбекистон дурдоналари” каби бир қанча мухташам нашрларни, шунингдек, буюк астроном Улугбек фармони билан яратилган “Қўғалмас юдузлар китоби”нинг фақсимиле нашрини тақдим этишга муваффақ бўлдик. Юзлаб хорижий ва маҳаллий олим иштирок этаётган лойиҳа мамлакатимиздаги очилкиқ сиёсати тўғайли амалга ошмоқда.

Мақсуд мултимедиа лойиҳаси доирасида илмий ва хорижий илмий муассасалар билан ҳамкорликда, ижтимоий масъулиятли бизнес кўмағида “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” туркумидаги 50 жилдлик китоб-альбом ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилди. Бу китоблар Ўзбекистон маданий мероси дурдоналари ҳақида қимматли маълумотларни ўз ичига олган бўлиб, дунёнинг 30 дан ортқ давлатидаги коллекцияларга бағишланган. Шу билан бирга, ушбу тўпламлар ҳақида 30 дан ортқ хужжати фильм суратга олинди. Айни пайтда яна ўн жилд нашрга тайёрланмоқда.

Фирдавс Абдуқолиқов. — Жамият учун яқунланаётган йил Самарқанд шаҳрида 250 нафар хориқлик олим иштирокидаги VI халқаро конгресс, 50 жилднинг нашр этилиши, янги 10 жилднинг тақдими билан ёдда қолади. Бу йилда яна “Иштон қўлоплари”, “Монийни хижолатда

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўғалмаслар тақриз қилинмайдди ва муаллифга қайтарилмайдди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.  
Газета таҳририят компьютер мақказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашир индекси — 236. Буюртма Г-1264.  
80849 нусxada босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева  
Мусаҳҳих: Рашид Хўжамов  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манилимин:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй